



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 14-iyun, seshanba,  
68 (23.635)-son

**КУН  
ҲИКМАТИ**

Бахт  
сўраб ёки  
тилаб  
олинмайди

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



[www.zarnews.uz](http://www.zarnews.uz) <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews\\_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) [https://twitter.com/zarnews\\_uz](https://twitter.com/zarnews_uz)



## ХИРМОН ДОНГА, ДАСТУРХОН НОНГА Тўлади

**Баҳодир РОЗИҚОВ,**

**Самарқанд туманидаги "Ҳасан Баҳодир агро инвест" фермер хўжалиги раҳбари:**

– Бу йил ғаллага ҳақ тўлашда эркин бозор талаби асосида иш кўрилиши, давлат хариди учун нархнинг кўтарилиши фермерлар манфаатдорлиги ошишига катта туртки берди. Лекин бу энди бугунги истаган нархда сотамиз, дегани эмас. Бозор талаб ва таклифи асосида ишлаймиз, чинакам рақобат юзага келади. Биз катта даромад олиш ниятида яна ҳам кўпроқ меҳнат қиламиз, ҳосилдорликни оширишга интиламиз. Бу эса ўз навбатида, маҳсулот кўп бўлишини таъминлайди. Хирмон донга тўлса, дастурхонимиз нонга тўлади.

## Ўқувчиларимиз республикада учинчи ўринда

**Хушхабар**

Жорий йилнинг 9-10 июнь кунлари Тошкент шаҳрида имконияти чекланган махсус мактаб ўқувчилари учун фан олимпиадасининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Самарқанд шаҳар 59-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаси ("Нурли маскан"-нинг уч нафар ўқувчиси ғолибликни қўлга киритди. Фан олимпиадасида математика фанидан 12-синф ўқувчиси Муроджон Полвонов иккинчи ўринни, она тили ва адабиёт фанидан 11-синф ўқувчиси Шербек Исломов биринчи, 12-синф ўқувчиси Райҳона Шарафова иккинчи ўринни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида республикада биринчи ўринга муносиб деб топилди.



Шунингдек, Навоий шаҳрида бўлиб ўтган фан олимпиадасининг республика босқичида СамИСи академик лицейининг иккинчи босқич ўқувчиси Давлат Мирақилов информатика фанидан биринчи ўринни эгаллади.

Аввал хабар берганимиздек, республика фан олимпиадасининг биринчи босқичида уч нафар самарқандлик ўқувчи ғолиб бўлган бўлса, иккинчи босқичида тўрт нафар ўқувчи фахри ўринларни қўлга киритди.

– Фан олимпиадасида ўқувчиларимизнинг ютуқлари ҳисобига бу йил республикада учинчи ўринни эгалладик, – деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шокир Султонов. – Биринчи ўрин Тошкент шаҳри, иккинчи ўрин Навоий вилояти ўқувчиларига nasib этди.

**Гулмира МАРДОНОВА,**  
вилоят халқ таълими бошқармаси методик  
хизмат бўлими бошлиғи.

## ЗАРАФШОН ДАРЁСИДА



## ГЭС ҚУРИЛАДИ

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида гидроэнергетика соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида икки давлат раҳбарлари томонидан рамзий тўғма босилиб, Зарафшон дарёси ҳавзасида янги – Явон гидроэлектр станцияси қурилишига старт берилди.

140 мегаватт қувватга эга ушбу замонавий станция мамлакатлар энергетик хавфсизлиги, сув ва қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутари.

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан Зарафшон дарёси ҳавзасида 2 та ГЭС қуриши ва ундан фойдаланишни техник-иқтисодий баҳолаш бўйича ўзаро келишувга эришилган бўлиб, гидроэлектр станциялар қурилиши икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда йилга ўртача 832 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи, қуввати 140 мегаватт ва лойиҳа қиймати 282 миллион долларга тенг бўлган Явон гидроэлектр станциясини қуриш ишлари бажарилади. Мазкур лойиҳа сарфланган маблағни 15 йилда қоплаши ҳамда 40–50 йил давомида узлуксиз ишлаш имкониятига эга бўлади. Иккинчи босқичда йилга ўртача 560 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи, қуввати 135 мегаваттга ва лойиҳа қиймати 270 миллион долларга тенг Фандарё гидроэлектр станцияси қурилади.

Мазкур лойиҳаларнинг йиллик умумий ишлаб чиқариш ҳажми 1400 миллион кВт.соатни ташкил этади. Электр энергия тенг асосда Ўзбекистон ва Тожикистонга йўналтирилади. Бу эса ўз навбатида, 600 мингдан ортиқ оиланинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради. Янги ГЭСларнинг қурилиши доирасида 3 мингга яқин мавсумий, ишга туширилиши

натijasида эса 200 дан ортиқ доимий иш ўрни яратилади. Лойиҳалар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилади. Гидроиншоотлар қурилишини амалга ошириш учун акциядорлик жамияти шаклидаги "TaUz HIDRO" қўшма корхонаси ташкил этилди.

Бугунги кунда томонлар лойиҳадан олдинги изланиш ишларини молиялаштириш ва лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш учун халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб этиш чораларини кўрмоқда. Бу борада янги ташкил этилган "TaUz HIDRO" АЖ янги қурилиши режалаштирилган ГЭСларнинг техник топшириқларини ишлаб чиқади ва лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлашда халқаро консалтинг компанияларини жалб этади.

Шунингдек, муҳандислик ишлари тўлиқ замонавий стандартлар асосида, илгор хорижий компаниялар иштирокида олиб борилади. Лойиҳа халқаро молия ташкилотларининг инвестициялари ҳамда таъсис қилинадиган қўшма корхона устав жамғармасига киритиладиган томонларнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Мазкур лойиҳани молиялаштиришга етакчи халқаро институтлар, жумладан, Осие таракқиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва таракқиёт банки қизқиш билдирган.

Ушбу янги гидроэлектр станциялари ишга тушгач, Уругт эркин иқтисодий зонаси ҳудудида қурилиши лойиҳалаштирилган 220 кВ юқори кучланишли "Мерганча" подстанциясига уланади ва вилоятимиз аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлайди.

**Маҳмуд ПАРДАЕВ,**  
"Самарқанд магистраль электр тармоқлари"  
филиали бошлиғи.

Биз узоқ йиллар Самарқанд туризм шаҳри деганда унинг бир неча асрлик ноёб тарихий обидалари, муқаддас масканларига эътибор қаратиб келдик. Кейинги йилларда Самарқанд туризми ҳар жиҳатдан янгилашмоқда. Дунё туризми тажрибаси, қолаверса, Самарқанднинг ноёб табиати, мавжуд имкониятлари, аҳолининг урф-одат, қадриятларини ҳисобга олган ҳолда йилдан-йилга янги туризм масканлари барпо этилмоқда. Бу ишлар сайёҳлар оқимининг ошиши ва уларнинг Самарқандда кўпроқ муддат қолишига имкон бераётди.

## ТУРИЗМ: ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР, НОАЪНАВИЙ Йўналишлар

Жумладан, вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар учун қулайликлар яратиш мақсадида 2022 йил бошидан буён 14 та меҳмонхона, 28 та меҳмон уйи фаолияти йўлга қўйилди. Туроператорлар сони 10 тага ошди. 2022 йилнинг май ойида вилоятимизга 27

минг 146 нафар хорижий ва 330 минг 235 нафар маҳаллий сайёҳларнинг ташрифи кузатилди. Бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 159 фоизга ортган. Бу – бир ойнинг кўрсаткичлари.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

## Давлат тилининг мақоми оширилиши зарур

**Конституцияга таклиф**

Давлат тилининг мақоми ошириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий ғоя ва вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Бош қомусимизнинг 4-моддасига қўшимча киритиш таклифини билдирмоқчиман.

Мазкур моддада Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тили эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва аънавалари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши қонуний мустақамланган. Лекин давлат органлари, идоралари, ташкилот ва муассасаларда иш юритиш ўзбек тилида олиб борилиши шартлиги кўрсатилмаган. Натijasида, орадан ўттиз йилдан кўпроқ

вақт ўтаётган бўлса-да, кўпгина идора ва ташкилотларда меъёрий ҳужжатлар, иш юритуви ҳамон бошқа тилларда олиб боришмоқда. Бу эса маълум маънода тилимизнинг камситилишига, нуфузининг тушишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасига "Барча давлат органлари, идоралари, ташкилот ва муассасаларида иш юритиш ўзбек тилида олиб борилиши шарт", деган қўшимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбекистон "Миллий тикла-



## 1-синфга қабул 20 июндан бошланади

Умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул жараёнлари 20 июндан бошланади.

Мактабларга бириктирилган микроҳудуд бўйича қабул жараёнлари жорий йилнинг 20 июнидан 31 июлига қадар амалга оширилади.

Умумтаълим мактабларининг ўқувчи ўрни, малакали педагог кадрлар билан таъминланганлиги, синф хоналарининг ўқув мебеллари билан жиҳозланганлигидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларининг бўш ўринларига микроҳудуддан ташқари қўшимча қабул жараёнлари 2022 йилнинг 1-15 август кунлари амалга оширилади.

Ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида Самарқанд шаҳридаги 81 та умумий ўрта таълим мактабига 1-синфга қабул электрон шаклда, қолган туман (шаҳар) умумий ўрта таълим мактабларига аънавий шаклда амалга оширилади.

Маълумот учун: Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, умумтаълим мактабларининг 1-синфига болалар 7 ёшга тўладиган йилда қабул қилинади. Яъни, 2022-2023 ўқув йилида 2015 йилнинг 1 январидан 31 декабрга қадар туғилган болалар 1-синфга қабул қилинади.

## ИШОНМАНГ, ҲЕЧ КИМ ЎҚИШГА КИРИТИБ ҚўЯ ОЛМАЙДИ!

Самарқанд шаҳрида яшовчи, Самарқанд давлат университети ўқитувчиси, 1986 йилда туғилган Ш.Ж. маҳаллий фуқарони Самарқанд давлат университетига ўқишга киритиб қўйиш эвазига 4000 АҚШ долларини талаб қилиб, олдиндан 2500 АҚШ долларини олган вақтида ҳуқуқ-тартибот идоралари хо-

димлари томонидан ушланди. Мазкур университетнинг яна бир ўқитувчиси, 1983 йилда туғилган М.С. маҳаллий фуқарони университетга 4000 АҚШ доллар эвазига ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, аввалдан 2000 АҚШ долларини олган. Бу шахс ҳам сўралган пулни қолган

2000 АҚШ долларини олаётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Ҳозирда ушбу шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзга тутилди, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

ТУРИЗМ: ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР, НОАНЪАНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

21 ЯНГИ ТУРИЗМ ЙЎНАЛИШИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўтган давр мобайнида вилоятда 21 та янги туризм йўналиши ташкил этилган. Жумладан, экотуризм бўйича янги 12 та йўналиш, этно-туризмда 3 та, экстремал туризм бўйича 5 та йўналиш сайёҳлар учун ташкил қилмоқда.

Дунё миқёсида туризмнинг экстремал, гастрономик, таълим, спорт, берд вотчинг, тиббиёт, MICE, зиёрат, тоғ туризм, эко ва агро туризм, эно туризм каби 63 тури мавжуд. Самарқандда туризм йўналишларининг деярли барча турини ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

ДОР ЙЎЛИ ҚАЧОН ИШГА ТУШАДИ?

Мамлакатимизга калкули хорижий туристлар асосан халқимизнинг миллий турмуш тарзига, урф-одатларига қизиқади. Шу сабабли вилоятда сайёҳлар учун яна бешта туризм қишлоқлари ташкил этилмоқда.

Мазкур туризм қишлоқларида бир қатор хизмат кўрсатиш турлари, яъни оилавий меҳмон уйлари, миллий таомлар тайёрлайдиган умумий овқатланиш шохобчалари, хунармандчилик устаноларини фаолияти йўлга қўйилади.

Лойиҳаларни ишга тушириш орқали 400 та янги иш ўрни яратилади. Самарқанд туманида Кониғил туризм қишлоғининг 2-босқичи доирасида 100 та туризм объекти ва 500 дан ортиқ янги иш ўрни очилади.

Шунингдек, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳига туташ ҳудудда лойиҳа қиймати 10 миллион АҚШ доллари бўлган дор йўли барпо этилмоқда. 2022-2023 йилларда ушбу лойиҳа доирасида 8 гектар ҳудудда туризм комплекси ташкил этилади.

УЧТА ЯНГИ КЎЧА

Оруз Маҳмудов кўчаси гастрономик туризм кўчасига айлантирилиб, бу ерда миллий ва бошқа халқлар таомларини тайёрлайдиган 40 дан ортиқ умумий овқатланиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган эди. Ҳозирда бундай кўчаларни янада кўпайтириш мақсадида Ислоҳ Каримов кўчасини шопинг туризми кўчасига, Бозор кўчасини паб-стрит кўчасига, Алишер Навоий кўчасини санъат ва туризм кўчасига айлантириш режалаштирилди.

ДАВОЛАНИШ БИЗДА АРЗОНРОҚ

Вилоятда тиббиёт туризми йўналишида ҳам имкониятлар жуда юқори. Айниқса, стоматология йўналишида дунёнинг бошқа мамлакатлари билан солиштирилганда, нархларнинг анча арзонлиги бу йўналишда ишларни ташкил этиш учун катта имконият яратяди. Нуробод туманида родонли сув билан доволашга ихтисослаштирилган сихатгоҳларни бирлаштирган ҳолда тиббиёт туризми кластерини ташкил этиш, Каттақўрғон туманидаги "Эргаш ота" сихатгоҳи фаолиятини янада кенгайтириш ҳисобига қўшни мамлакатлардан ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимини ошириш кўзланган.

Самарқанд туманида барпо этилган "Интрамед" сихатгоҳи ҳам чет эллик сайёҳларга мослаштирилмоқда. Хизматлар соҳасида 365 та лойиҳани амалга оширишимиз орқали 15 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

MICE ТУРИЗМ

Вилоятнинг ишбилармонлик салоҳиятини намоен этувчи, 1300 хонани ўз ичига олган 4-5 юлдузли 8 та меҳмонхона, 18 минг квадрат метр майдонда 3 қаватли халқаро конгресс маркази ва кўргазмалар мажмуалари, тематик хиёбонлар ҳамда "Абадий шаҳар" тарихий мажмуасидан иборат "Самарқанд туризм маркази" ташкил этилмоқда.

Ушбу марказда ўндан ортиқ туризм йўналишлари (эко, сув, тиббиёт, этно, майс ва бошқалар) фаолияти йўлга қўйилади. Жумладан, 4 та меҳмонхона тиббиёт туризмга ихтисослаштирилади.

Келгусида жуда катта ҳажмдаги ишлар экотуризм йўналишида ҳам олиб борилади, Ургут туманининг Қоратепа сув омбори ҳудудига йирик чўмилиш хавзалари, Каттақўрғон сув омбори ҳудудига дам олиш маскани шунингдек, вилоятда туристлар учун 21 та сузиш ва чўмилиш хавзалари ташкил этилмоқда.

ТЎСИҚСIZ ТУРИЗМ НИМА ДЕГАНИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегияси тўғрисида"ги фармонида асосан, тўсиқсиз туризм инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида кенг жорий қилиш белгиланган. Самарқанд вилоятидаги маданий

мерос объектлари ва музейларида ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Регистон, Амир Темур мақбараси, Бибиҳоним масжиди, И.Каримов мақбараси ҳамда Ўзбекистон маданияти тарихи музейи, вилоят ўлкашунослик музейи, Мирзо Улуғбек музей кўриқхонасида ногиронлиги бўлган шахслар учун (пандос, лифт, аудиогид ёки сурдо таржимон) шароитлар яратилган. Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги жойлаштириш воситалари ва умумий овқатланиш масканларининг кўпчилигини тўсиқсиз туризм имкониятлари мавжуд.

Жорий йилнинг апрель ойида тўлиқ фойдаланишга топширилган янги аэропорт ҳам ҳаракатланиш имконияти чекланган йўловчиларга хизмат кўрсатиш талаблари инobatга олинган ҳолда, халқаро стандартлар асосида қурилган. Хизмат кўрсатиш пунктлари (учиш, қўниш, рўйхатга олиш, божхона назорат пункти, ҳожатхона, таҳоратхона, кутиш заллари)да барча қулайлик ва шароитлар яратилди. Мўқаддам йўловчилар ва уларни қузатувчиларнинг аэропорт ҳудудига кириши тақиқланган бўлса, ҳозир автотранспортда аэропортнинг учиб кетиш йўлагига қадар қузатувчиларнинг киришлари учун шароит бор. Бундан ташқари, аэропортда электрон рўйхатдан ўтиш, яъни паспорт ва авиачиптани сканер орқали рўйхатдан ўтказиш тизими (E-GATE)нинг жорий этилганлиги тўсиқсиз туризм сари катта қадам бўлди.

ҲАР БИР ТУМАНДА ИККИТА ТУРФИРМА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ҳар бир туман ва шаҳарлардан аҳолини саёҳатларга кўпроқ жалб қилиш мақсадида жойларда камида иккитадан турфирма ва турагент хизмати жорий этилади. Турфирмалар хизматидан тушган солиқ тушумлари ўз ҳудудида қолиши орқали ҳокимларимизда манфаатдорлик юзага келади.

Ушбу йирик лойиҳа ва режаларнинг барчаси бир мақсад – Самарқанд туризм салоҳиятини халқаро даражага кўтариш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаб, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Рустан ҚОБИЛОВ, вилоят ҳокими ўринбосари – туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиғи.

Вилоят Матбуот уйида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Дилмурод Хўжамбердиев иштирокида анжуман бўлиб ўтди.



"Афросиёб" да Wi-Fi ўрнатилади

Даставвал бошқарма бошлиғи вилоятда рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистраль автомобиль йўлларини кенг поласоли улашиш тармоқлари билан қамраб олиш борасидаги ишлар тўғрисида маълумот берди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 10 минг сифимли замонавий қурилмалар ўрнатилиб, умумий сифими 485 мингга, абонентлар сони эса 171 мингга етказилди. Шунингдек, йил якунига қадар қўшимча 134 минг сифимли замонавий қурилмаларни ўрнатиб, умумий сифими 619 мингга етказиш режалаштирилган. 1,9 минг километр оптик толали алоқа линиялари қурилиб, уларнинг умумий узунлиги 15,4 минг километрга етказилди. Шунингдек, яна 1,8 минг километр оптик толали алоқа тармоқларини тортиш ҳам кўзда тутилган. Бугунга қадар

вилоятдаги 1268 та умумтаълим мактаби, 706 та мактабгача таълим, 374 та тиббиёт муассасалари, шунингдек, 1126 та маҳалла марказлари интернетга уланди.

Вилоятимиздаги 1968 та аҳоли масканларининг 1503 тасига оптик толали алоқа линиялари тортилган бўлиб, ўрнатиш ишлари 76 фоизни ташкил этмоқда, - дейди Д.Хўжамбердиев. - 2024 йилга қадар ушбу кўрсаткични 100 фоизга етказиш режалаштирилган. Худудлардаги филиалларимиз томонидан ҳар ойда аҳоли яшовчи масканларга тармоқ тортиши мўлжалланганми.

Ҳозирда вилоятдаги мобил алоқа база станцияларининг умумий сони 4704 тани ва мобил абонентлар сони 2 миллион 774 минг нафарни ташкил этмоқда. 2022 йилнинг ўтган даврида вилоятда 17 та янги база станциялари ўрнатилиб, шу пайтгача фаолият кўрсатиб келган 122 та база станциялари

тезкор интернет технологияси асосида модернизация қилиниб, аҳолининг 99,7 фоизи мобил алоқа билан, 87 фоизи тезкор мобил интернет билан қамраб олинди.

Жорий йил якунига қадар қўшимча 215 та янги база станцияси ўрнатилади, 58 та база станциялари модернизация қилинади ва аҳоли масканларининг тезкор мобил интернет билан қамраб олиниш даражаси 95 фоизга етказилади. Айни пайтда Самарқанд шаҳрида биринчи 5G технологияси асосида ишловчи база станциясини ўрнатиш бўйича ҳам ишлар олиб бориламоқда.

Самарқанд туризм марказида сифатли мобил алоқа билан интернет қамровини ташкил этиш бўйича ҳудудда 4 та мобил алоқа антенна-мачта иншоотлари ўрнатилади.

Бугунги кунда "Афросиёб" тезкор янги базаларида Wi-Fi тармоғини ташкил этиш бўйича ўрганиш ишлари якунига етиб, амалий ишлар олиб бориламоқда.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Бир рақам шарҳи

2022 йил январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,1 триллион сўмини ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм (106 фоиз)га ортган. Жумладан, саноат маҳсулотлари 5,6 триллион сўм (110,7 фоиз), қишлоқ хўжалиғи соҳасида 4,3 триллион сўм (102 фоиз), хизматлар соҳасида 4,8 триллион сўм (112,9 фоиз), қурилиш соҳасида 1,5 триллион сўм (108,6 фоиз)га етди. Бу кўрсаткич аҳоли жон бошига 2,5 миллион сўмини ташкил қилади. 2022 йилнинг иккинчи чорак якуни билан вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 23,1 триллион сўмини ташкил этиб, режага нисбатан 106,4 фоизга ортиши кутилмоқда.

Президент йнгилишидан сўнг

Самарқанд олимпиячилар учун марказлаштирилган базага айлантирилади

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 23 май куни спортни омалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йнгилишида ҳудудларда ўрганиш ишларини олиб бориш бўйича топшириқлар берган эди.



Миллий олимпия кўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов ва кўмита раиси ўринбосари, Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Сакен Полатов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Самарқандга келди.

Самарқанд 2 та олимпия захиралари коллежига эга бўлган ягона вилоят ҳисобланади. Самарқанд ва Тойлоқ олимпия захиралари коллежи терма жамоаларимиз учун кучли атлетларни тайёрлаб бериши сир эмас. Бироқ сўнгги вақтда мазкур ҳолат факатгина маълум спорт турлари билан чекланиб қолган.

Давлатимиз раҳбари ҳам буни танқид қилиб, Самарқанд олимпия захиралари коллежи спорт гимнастикаси, таэквондо ва стол тенниси бўйича сўнгги 3 йилда мусобақаларда совринли натижа кўрсатмагани, ammo коллежда ушбу спорт турлари бўйича 23 нафар спортчи, 3 нафар тренер мавжуд экани ҳақида фикр билдирган эди.

Вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси, БЎСМ ва ИБЎСМ мутасаддилари билан ўтган учрашувада шу ва бошқа ечимини кутатган масалаларга тўхталиб ўтилди.

Учрашувада Миллий олимпия кўмитаси мутасаддилари иқтидорли ёшларни саралаш, мутахассисларнинг

малакасини ошириш орқали спорт таълимидида сифатни яхшилаш бўйича Спортни ривожлантириш вазирлиғи билан ишлаб чиқилган режа тақдимотини ўтказди. Унда мусобақалар спорт турлари хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир худуднинг туман ва шаҳарларида ёш тоифалари бўйича зоналар ва секторлар кесимида ўтади. Йнгилиш давомида мутахассислар билан янги тизимни амалга татиқ қилиш, унинг самарадорлигини янада ошириш бўйича фикрлар билдирилди.

Келгусида олимпия йўналишлари учун атлетларни тайёрлаш маркази айнан Самарқандда бунёд этилади, - деди Миллий олимпия кўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов. - Хитой тажрибаси асосида бу ерда барча асосий терма жамоалар йирик комплекс мусобақалар, китъа ва жаҳон чемпионати каби муҳим стартларга тайёрларни кўришади.

Йнгилишда вилоятдаги мавжуд инфратузилмани янада кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Мутасаддилар ташриф довомида худудларда ўтказилаётган машғулотлар жараёнини кузатиб, ёшлар учун яратилган шароитлар билан танишиди. Ўрганишлар натижаси бўйича амалга оширилаётган ишлар белгилаб олинди.

Ф.ЎЗИБОЕВ.

Мамлакатимиз раҳбарининг "2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига кўра, соҳада амалга оширилаётган ишларга қарамай, тиббий генетика ривожланишининг ҳозирги босқичи бўлажак оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технология ёрдам кўрсатиш учун скрининг марказларининг моддий-техника базасини мустақамлашни, сифат жиҳатидан яхшилашни тақозо этмоқда.

ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАР АНИҚЛАНАДИ

Ирсий касалликлар генетик ахборотнинг бузилишига асосланган бўлиб, ген дефекти билан 14 фоиз ҳолатларда болалар ирсий касалликлар билан туғилишига сабабчи бўлмоқда. Ургут туманида 80 фоиз ҳолатда яқин қон-қариндош никохи мавжудлиги ва ирсий касалликлар бўлган беморлар кўрсаткичи ҳар 800 тадан 10 кишига тўғри келиши инobatга олинган ҳолда, ҳудудда генетик лаборатория ташкил этиш тавсияси берилган.

Болаларда ирсий касалликларга барвақт ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиғи томонидан Ургут тумани инновацион ҳудудида 2022 йил ирсий касалликларни эрта аниқлаш учун молекуляр генетикага асосланган замонавий инновацион лаборатория ташкиллаштириш мақсадида старт лойиҳа тасдиқланди.

Молекуляр генетик лаборатория учун Ургут тумани тиббиёт бирлашмасида 4 та хона ажратилиб, юқори технология диагностика ускуналари, бутловчи буюмлар, реагент ва зарур

материаллар ўрнатилди. Лабораторияда ирсий касалликларни аниқлаш учун болаларни оммавий текшириш, шунингдек, бемор болаларни доволаш кўзда тутилган. Шунингдек, ҳомиланинг эрта босқичларида хавф гуруҳини аниқлаш учун аёллар қонини босқичма-босқич биокимёвий текширувдан ўтказиш режалаштирилган.

Айни кунларда ирсий касалликларнинг 6000 дан ортиқ тури маълум бўлиб, турли хил даражада намоен бўлади.

Ирсий касалликлар скрининги учта даврда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади: ҳомилага бўлган, ҳомила даврида ва бола туғилгандан кейинги даврда.

Худудда ирсий касалликлар эрта аниқланиш, уларнинг олди олинса, ривожланишида туғма ногиронликка олиб келадиган нуқсонлари бўлган болалар туғилиши икки баравар камаяди.

Алишер НОРБОЕВ, Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ургут инновацион ҳудуди бўйича масъули.

Ихтиро

Олимларимиз буғдойнинг янги навини яратди

Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали доценти Ғулom Ғайбуллаев раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар буғдойнинг иқлим шароитимизга мос, серҳосил ва эртапишар "Ўзбекистон-30" ва "Самарқанд" навларини яратди. Айни кунларда мазкур навлар Республика давлат нав синаш илмий марказида синовдан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиғи бўйича дунёда энг илғор ўн та давлат қаторига киради, - дейди қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ғулom Ғайбуллаев. - Селекция ишлари Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали, "Ўз-агроинспекция"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси ҳамда "Farboma Selekt" илмий уруғчилик фермер хўжалиғи томонидан

интеграциялашган тарзда олиб бориламоқда. Вилоятнинг Жомбой туманида жойлашган уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжалиғига қарашли 80 гектар тажриба майдонида ҳозирга қадар буғдойнинг "Жасмина", "Фарбома", "Амира", "Зарафшон" ва арпаннинг "Бек" навлари яратилди.

Эътиборли жиҳати, вилоятимиз олимлари томонидан "Крош-

ка" ва "Сангзор-8" навларини чатиштириш асосида яратилган буғдойнинг "Жасмина" нави серҳосил, иқлим шароитига мослиғи билан амалиётда тўлиқ ўзини оқлади. Ҳозирда ушбу нав вилоятнинг 13 минг гектардан ортиқ майдони ва қўшни Жиззах, Навоий, Бухоро, Қашқадарь вилоятлари далаларида экилмоқда. Гектаридан ўртача 60-70 центнердан ошириб ҳосил йнгиштириб олинмоқда. Маълумот учун, 2022 йил ҳосили учун вилоятдаги уруғчиликка ихтисослашган 472 та фермер хўжалигининг 10 минг 414 гектар ер майдонида буғдойнинг "Жасмина", "Яксарт", "Давр", "Фарбома" сингари навлари экилиб, парвариланди.

У.ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Янги олийгоҳ

Олий спорт маҳорати институти ташкил этилди

У келгуси ўқув йилидан Самарқандда фаолият бошлайди

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 июндаги "Олий спорт маҳорати институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, мамлакатимизда Олий спорт маҳорати институти фаолияти йўлга қўйилди.

Институт профессионал таълим тизимини тамомлаган битирувчилар учун ўқиб давомийлиги уч йил бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади. Унда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрланади. Таълим фаолияти 2023-2024 ўқув йилидан бошланиб, институт Самарқанд шаҳри, Ибн Сино кўчаси 17а-уй манзилида жойлаштирилади.

Институтга олимпия ва паралимпия захиралари коллежалари битириб, олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзолари

бўлган ёшлар эришган натижаларига қараб ҳамда селекция бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Талабаларни қабул қилиш шаффоф ва очиқ танлов асосида амалга оширилади. Шунингдек, талабалар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига мувофиқ ўтказиладиган республика мусобақаларида тўғридан-тўғри иштирок этади.

Талабаларнинг умумий таъминоти (овқатланиш, тиббий биологик таъминоти, спорт мусобақаларидаги иштироки ва бошқалар) тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Битирувчиларга танланган спорт тури бўйича тренер, ҳакам, селекционер ва бошқа мутахассислар берилди.

Олим СОБИРОВ, вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда истиқболли ёшларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш мақсадида "Келажак лидерлари" махсус интенсив малака ошириш дастурининг биринчи мавсуми 2021 йилнинг февраль-апрель ойларида ташкил этилди. Дастур муваффақиятли аяқланиб, битирувчилар раҳбар лавозимларига тавсия этилди ҳамда миллий кадрлар захирасига киритилди.

## "Келажак лидерлари" ўқитилди



Шиддат билан ўзгараётган даврга тез мослаша оладиган, ўзгаришларни давлат хизматига кенг жорий қила оладиган, муҳими, халқчил янги авлод кадрлар захирасини шакллантириш, истиқболли ёш давлат хизматчиларида раҳбарлик кўникмаларини шакллантириш ва кейинчалик уларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш мақсадида "Келажак лидерлари" махсус малака ошириш дастурининг 2-мавсуми учун ўрта бўғин бошқарув кадрлари ва

мутахассислари саралаб олинди. Республиканинг 94 та давлат органи ва ташкилотидан тавсия этилган ҳамда агентлик томонидан ташкил этилган телеграм-бот орқали ариза топширган, 25 ёшдан 35 ёшгача бўлган 1862 нафар давлат хизматида фаолият юритаётган ўрта бўғин бошқарув кадрлари ва мутахассислари орасидан тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш кўникмасига эга, стратегик фикрловчи, кенг қамровли ислохот-

ёш кадрларнинг номзоди дастур тингловчилигига қабул қилишга тавсия этилди. "Келажак лидерлари" махсус малака ошириш дастурининг навбатдаги мавсуми 24 март - 26 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилди. Дастур тўрт босқичда - аудиторияда назарий, стажировка-дублёрлик, маҳаллада амалиёт, маҳаллий ва хорижий стажировка асосида ўтказилди. Тингловчилар икки ҳафта давомида маҳалла раислари дублёрли, ҳокимнинг маҳалладаги ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси сифатида амалий ишга жалб этилди.

Дастур давомида тингловчилар давлат фуқаролик хизмати ҳуқуқий асослари ва кадрлар сиёсати, ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, глобал бошқарув ва жаҳон сиёсати ва бошқа долзарб мавзуларда билим ва кўникмаларини оширдилар. Маҳаллалардаги амалиёт ҳамда хорижий стажировка интенсив тарзда эгаллаган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Яқуний натижа сифатида ўқув дастури талабларини муваффақиятли бажарган, мақсадли битирув лойиҳа тақдимотини намунали амалга оширган тингловчиларга белгиланган шаклда сертификат берилди.

**Шероз АБДУВАЛИЕВ,**  
**"Келажак лидерлари" махсус интенсив малака ошириш дастури 2-мавсум тингловчиси.**

## "Обод қишлоқ"дагилар нимадан норози?

Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси Фуқаролик ишлари бўйича Ургут тумани судига Ватқан-Қўзибек маҳалласидаги ноқонуний қуриilmаларни бузиш ва ер майдонини давлатга қайтариш юзасидан мурожаат қилди.

Даъво аризасига илова қилинган маълумот ва ҳужжатларда Ватқан-Қўзибек маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар ҳудуддаги ерни қонунга хилоф тарзда эгаллаб олиб, савдо дўконлари қурганини кўрсатилган. Лекин суд мажлисида сўроқ қилинган жавобгарлар қурилишни ўзбошимчалик билан эмас, аксинча, "Обод қишлоқ" дастури асосида, ваколатли идораларнинг оғзаки топшириги билан амалга оширганлини маълум қилиб, айбни тан олмади. Буни қарангки, суриштирув ишлари бошлангач, туман

масъулларнинг ҳам фикри ўзгариб қолди. Хусусан, суд мажлисининг якунида туман қурилиш бўлими бошлиғи судга хат билан мурожаат қилиб, қайта ўрганиш ўтказилганлиги, жараёнда мазкур бинолар "Обод қишлоқ" дастурига мувофиқлиги аниқланганлигини маълум қилди. Аммо қонун олдида барча баробар. Туман қурилиш бўлими бош архитекторининг хати ноқонуний қуриilmаларни қонуний, дейиш учун асос бўлмайди. Шу боис суд даъвогарнинг талабини асосли деб топди, яъни жавобгарлар ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмади

туриб, қурган савдо дўконларини бузадиган бўлишиди. Ачинарлиси шуки, масъулларнинг оғзаки топшириги, ваъдаларига ишонган айрим фуқаролар сарф-харажатлар учун шахсий автомашинасини сотганлиги, бошқалари қарз олганлигини тан олди. Лекин уларни ишонтирган ваколатли идоралар иш судга ошганда кўриниш бермади. Савол туғилади, агар қурилиш ноқонуний бўлса, нега масъуллар уни бошиданок тўхтатмади? Модомики, иншоотлар "Обод қишлоқ" дастури асосида қурилган экан, нега иш судга ошди ва нега унда ҳеч бир ташкилот фуқароларнинг манфаатини, ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқмади? Бу каби ҳолатлар халқнинг ҳуқуматга, адолатга ишончи йўқолишига сабаб бўлмайди

**Ф.МУХТОРОВ,**  
**фуқаролик ишлари бўйича Ургут тумани суди судьяси.**

## Сўранг, жавоб берамиз

### 6 ой субсидия берилади, ижтимоий солиқ қайтарилади...



Ногиронлиги бўлган фуқарони ишга олмақчиман. Бунинг учун солиқдан бирор имтиёз бериладими?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаолигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2022 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ҳар бир ходим учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 6 ой давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорда субсидия берилади. Бунда субсидия беришга Ягона миллий меҳнат тизимида рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномаси асос ҳисобланади. 2022 йил 1 мартдан бошлаб

Солиқ кодексининг 380-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари учун даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 бараваридан 3 бараваригача оширилди.


Шунингдек, 2024 йил 1 мартга қадар иш берувчиларга улар томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси давлат бюджетида тўлиқ қайтариб берилиши белгиланган. Бунда ижтимоий солиқ суммаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг олти ой давомида узулксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шартли банд еттичи ойдан бошлаб қайтарилади.

**Саволга вилоят давлат солиқ бошқармаси солиқ бўлими бўйича Бекзод СОЛИЕВ жавоб берди.**

## 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни

### Донорлик – савоб иш

Донорлик одамларга яхшилик қилишини энг оддий кўриниши. Ушбу беғараз, кўнгилли ёрдам қонга эҳтиёжи бор инсонлар учун ҳақиқий кўмак ҳисобланади. Чунки ҳар куни юзлаб кишилар, беморлар донорлар қонига эҳтиёж сезади.



Вилоят қон қуйиш маркази шифокорларининг Ургут ва Нарпай тумани тиббиёт бирлашмаларидаги қон қуйиш бўлимлари ходимлари билан ҳудудда ташкил этган тадбири ана шу эзгу мақсадга қаратилди. Бу туманларда 61 киши қон топширди. Шунингдек, тадбирларда донорлик ҳаракатида фаоллик кўрсатиб келатган 20 нафар фаол донор муносиб рағбатлантирилди.

- Шу пайтгача беғараз донор сифатида 46 марта қон топширганман, - дейди ургутлик Бахтиёр Каримов. - Мен бу ишдан, беморларга янги ҳаёт бахш этаётганимдан фохрланаман. Бошқаларни ҳам донорлик ҳаракатига қўшилишга қақираман.

**Зарифа ҚАЮМОВА,**  
**вилоят қон қуйиш маркази ходими.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

#### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Жомбой туманидаги «MAGNIT GOLD SERVICE» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307764509) ўз устав фондини 3 284 000 (уч миллион икки юз саксон тўрт минг) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Жомбой туман Саричашма маҳалласи, Манғит қишлоғи, 110-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Пономаренко Олга Васильевнага (2014 йил 1 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Олимов Ҳошимга (1997 йил 24 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола

Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Аминова Мартаба Хожиевнага (2019 йил 12 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аминова Мартаба Хожиевнага (2019 йил 12 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аминова Мартаба Хожиевнага (2019 йил 12 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аминова Мартаба Хожиевнага (2019 йил 12 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Амридинов Шаҳзод Обидович нотариал идорасида марҳум Уктамага (2021 йил 10 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Амридинов Шаҳзод Обидович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Мансурова Бибутга (1998 йил 7 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Орипова Хуморага (2013 йил 7 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

Ургут туманидаги 13-ўрта мактабдан 1990 йилда Қодиров Камол Рахматович номига берилган А № 271269 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут савдо ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Йўлдошева Райҳона Зариф қизи номига берилган рўйхат рақами

1086, К № 5593756 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 98-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Муродуллаева Гулноза Бекмурот қизи номига берилган UM № 0525862 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 43-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Рузиева Гулмира Самандаровна номига берилган O'R-A № 1089090 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тиббиёт коллежидан 2008 йилда Умурзоқова Зуҳра Фазлитдиновна номига берилган K № 1114031 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Бердиева Феруза Уктамовна номига берилган U № 1117224 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 3-ўрта мактабдан 1998 йилда Бурханова Нигина Абдурахмановна номига берилган UZA № 185972 рақамли ўрта

маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшработ туманидаги 57-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Холматова (хазирда Қулдошева) Нигора Абдиназаровна номига берилган O'R-A № 1060813 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасидан 2021 йил 12 февралда Жомбой тумани ҳокимлиги балансидagi Жомбой тумани «Қўрғонсалом» МФЙда жойлашган давлат мулки (бўш турган бино) учун фуқаро Д.Хасибовга берилган 186-сонли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё политехника касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Бахромова Қобулжон Бахромова ўғли номига берилган рўйхат рақами 67, К № 5126138 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 52-ўрта мактабдан 1996 йилда Бурханова Нигина Абдурахмановна номига берилган UZI № 289605 рақамли таълим маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## Менга ҳам бир марталик ёрдам пули бериладими?

Президентимизнинг жорий йилнинг 25 майда қабул қилинган "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, бир марталик моддий ёрдам тўланиши кўзда тутилган эди. Қарор матбуотда эълон қилинган, таҳририятимизга кўплаб фуқаролар томонидан мазкур қарор борасида тушунмовчиликларга дуч келаяётганлиги тўғрисида мурожаатлар кела бошлади. Уларнинг айримларига Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси шўба раҳбари Абдурашид Раҳимов жавоб берди.

- Бир нафар фарзандимга боқувчисини йўқотганлик пенсияси оламан. Ўзим ҳам ёшга доир пенсияга чиққанман. Боламга ҳам 18 ёшгача болалар нафақаси ҳам олиб турирман, менга 300 минг сўмлик моддий ёрдам пули қандай тўланади?

**У.НИШОНОВА,**  
**Пайариқ тумани.**

- "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор билан 300 минг сўмлик бир марталик моддий ёрдам пули пенсия ёки нафақа, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олаётганларга берилиши белгилаб қўйилган. Бунда фуқаро У.Нишонованинг ўзига ёшга доир пенсия олаётгани учун 300 минг сўм, фарзандига боқувчисини йўқотганлик пенсияси олаётгани учун 300 минг сўм, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оила сифатида 18 ёшгача болалар нафақаси олаётган фарзандларига 200 минг сўм, жами 800 минг сўм бир марталик моддий ёрдам тўланади (қарорда ушбу бир марталик моддий ёрдам тўловларининг икки ҳафта муддатда тўлиқ тўланишини таъминлаш белгиланган).

- Ногиронлик пенсияси олиб турар эдим, ногиронлик муддати тугагандан сўнг қайта 30 апрелда тиббий - меҳнат экспертиза комиссияси кўригидан ўтдим. Пенсия жамғармаси ходимлари май ойини ҳам қўшиб, пенсияни июнь ойида олишимни маълум қилишди. Менга ҳам бир марталик моддий ёрдам бериладими?

**А.МЎМИНОВА,**  
**Пахтачи тумани.**

- Ҳа, албатта. Сизга ҳам бир марталик 300 минг сўм моддий ёрдам пули тўлаб берилади.

- Самарқанд шаҳрида яшайман, пенсионер эмасман. Болалар нафақаси ҳам олмайман, ўзим ишлайман, 2 нафар фарзандим бор, уларга ҳам 200 минг сўмлик моддий ёрдам пули бериладими?

**Ф.ҲАСАНОВА.**

- "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган сифатида моддий ёрдам олувчи оилаларга, кам таъминланган сифатида болалар нафақаси олувчи оилаларнинг ҳар бир 18 ёшга тўлмаган боласига 200 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Сизга бир марталик моддий ёрдам тўланиши кўзда тутилмаган.

- Пенсия пулимни пластик карточка орқали олганман. Менга бир марталик моддий ёрдам пули қандай тўланади?

**Р.ШОАЗИМОВ,**  
**Булунғур тумани.**

- Хавотирга ўрин йўқ. Банк пластик карточкаси орқали пенсия олувчиларнинг бир марталик моддий ёрдам пуллари карталарига тушириб берилади.

Президент қарорига кўра

Музейларда хизматлар соҳаси ривожлантирилади

Бугунги кунда маданият муассасалари, хусусан, музейларнинг бозор муносабатларига ўтиши уларнинг олдида янги вазифаларни қўймоқда. Энди музейларнинг аввалги даврлардагидек "яшаб қолиш"игина эмас, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиши муҳим ҳисобланади.



Ана шу зарурат туфайли яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда 2022-2023 йиллардан эътиборан давлат музейларида кўшимча хизматлар ташкил этилиши белгиланди. Жумладан, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тизимидаги музейларда ҳар ойда камида 4 та "Музейда тун", "Open Air Fest" каби кўнгилочлар дастурлар, концерт, томошалар ўтказилади, ҳар ойда камида 5 марта уста-хунармандларнинг маҳорат дарслари ташкил этилади. 2022 йил давомида шунингдек, 10 та совғалар ва сувенир дўкон, хунармандлар устaxonаси ва савдо шохобчалари ташкил этиш, расмолар ва фольклор жамоалари, хунармандлар ва фотосессия учун махсус ҳудудлар ажратиш белгиланган, онлайн дўконлар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Айни вақтда аксар музейлар, шу жумладан, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ҳам асосан кириш чипталари ва экскурсия хизматларидангина фойда олади. Умумий ҳисобда йўлга қўйилган хизматлар сони 6 тадан ошмайди. Энди қарор билан музейлар кўрсатидан хизматлар сони 20 тадан

зиёдроқни ташкил қилади.

Қарорда 2022-2024 йилларда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврлари, Буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига доир янги экспозициялар ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, унга кўра, 2023 йил август ойига қадар "Афросиёни" - Самарқанднинг қадимий ўрни", "Самарқанд - Амир Темур пойтахти" номли, шунингдек, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Гиёсиддин Кошии, Али Қушчи каби алломалар ҳаёти ва ижодига бағишланган экспозициялар ташкил этилиши кўрсатилган. Бу ўз навбатида Самарқанд музейларининг жозибadorлигини оширади. Чунки бу олимлар ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб айни вақтгача махсус экспозициялар ташкил этилмаган. Ёки Амир Темур даврида Самарқанднинг пойтахтга айлантирилиши ва шаҳарда олиб борилган ободончилик ишларига бағишланган экспозиция мавжуд эмас.

Ваҳоланки, хорижий сайёҳларнинг аксарияти Амир Темур давлатининг пойтахтини кўриш орзусида шаҳарга ташриф буюради.

Хозирда республикамиздаги санокли музейларда таъмирлаш лабораториялари ташкил этилган, холос. Уларнинг ичида факат Самарқандда таъмирлаш лабора-

торияси замон талабларига мос жиҳозланган. Бошқа музейларда ҳали ҳам ўтган асрнинг 70-80 йилларида ўрнатилган асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда юздан ортиқ музей мавжудлиги, улардаги ашёлар узоқ йиллар тақлаш шароитларининг ёмонлиги туфайли зарарланганлигини, ашёларни таъмирлаш Ўзбекистон музей ишида ортага суриб бўлмас муаммо бўлиб турганида барча музейларда таъмирлаш лабораторияларининг ташкил этилиши айни мuddолади.

Қарорда 2022-2026 йилларда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фондларида сақланаётган 150 дан ортиқ ашёнинг нусхаларини тайёрлаш назарда тутилган. Бунда ишлар "Хунарманд" уюшмаси, Бадий академия, Санъатшунослик институти билан ҳамкорликда амалга оширилади. Музей ашёлари нусхалари тизимда мавжуд музейлардаги сувенир дўконлари орқали реализация қилинади. Жаҳон музейшунослик амалиётида ноёб музей ашёларининг нусхаларини тайёрлаб сотиш анчадан буюн қўлланилиб келинмоқда. Масалан, дунёнинг энг машҳур музейи бўлган Лувр ўз ноёб ашёларининг нусхаларини тайёрлаб сотишни анча олдин бошлаган. Хозирда Луврнинг томоша қилишга борган ҳар бир сайёҳ музейда намоийш этилаётган Хаммурапи қонунлари битилган тош ёки Милослик Венера ҳайкали нусхаларини ўша ердаги сувенир дўконларидан сотиб олиши мумкин. Ёки Леонардо да Винчи томонидан чизилган "Мона Лиза" ранг-тасвир асарини нусхалари бутун дунё бўйлаб тарқалган.

Қарорда музейлар соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари ҳам ўрин олган. Унда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси билан Россиядаги Гатчина музей-қўриқхонаси ва Царицино музей-қўриқхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Шунингдек, 2022-2023 йилларда музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳам ўрин олган бўлиб, музейларда илгор хорижий намуналар асосида маркетинг ва

хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида катта амалий тажрибага эга бўлган консалтинг хизмати компанияларини жалб қилиш кўзда тутилган. Музейлар ва уларнинг ҳудудларида бошқичма-бошқич "Музей-ресторан" ёки "Музей-кафе"лар ташкил этиш, "музей вагон" номли кўчма кўргазмалар ташкил қилиш, музейларнинг ноёб ашёлари ва коллекциялари каталогларини тайёрлаш, нашр қилиш ҳамда китоб дўконларида уларнинг сотувини йўлга қўйиш кўрсатиб ўтилган.

Давлат музейларида замонавий голография ва 3D каби технологияларни кенг қўллаш орқали музейларнинг оммавийлигини ошириш ва маркетинг соҳасини ривожлантириш, ҳар йили грант лойиҳалари танловини ташкил қилиш ва ўтказиш каби тадбирлар белгиланди. 2023 йилдан эътиборан ҳар йили "Музейшунослик ва археология тадқиқотлари: долзарб муаммолар ва замонавий музейларнинг оммавийлигини ошириш" халқаро форуми ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, "Буюк ипак йўли" тадқиқотлари" кўп жилдли каталог тақдироти, илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этишни ташкил этиш мақсадида ҳар йили музейлар соҳасида фаолият олиб бораётган камида 10 нафар ходимнинг чет элда малака ошириши ва тажриба алмашишини йўлга қўйиш каби масалалар ҳам ўрин олган.

Қарорда 2023-2026 йилларда музейлаштирилган археология ёдгорликлари ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра, Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги Шероққалъа археологик ёдгорлиги музейлаштирилади. Жаҳон тажрибасида археологик ёдгорликларни музейлаштириш аллақачон замонавий музей-қўриқхонаси ажралмас қисмига айланиб улгурган. Айни пайтда Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузурдаги Маданий мерос агентлиги томонидан мазкур қарорни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Маҳмудхон ЮНУСОВ, музейшунос.

... Дилдора (исм ўзгартирилган)нинг онаси 2020 йилда Туркия фуқаросига турмушга чиқди. 2021 йилнинг июнь ойида у қизини ўқишга киритиш учун Туркияга қақриб олди. Бироқ тақдир тақозосига кўра, онаси ўша йилнинг 8 сентябрь куни кутилмаганда вафот этади ва Истанбул шаҳридаги кимсасизлар қабристонига дафн этилди.



ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЯДАГИ ОРИЯТИ

Онасининг вафотидан кўп ўтмай, ўғай отаси 17 ёшли Дилдоранинг қариндошларига кўнгирак қилиб, унга уйланмоқчи эканини айтиди. Улар ҳам бунга рози бўлишди негадир. Бу гап-сўзлардан хабар топган Дилдора тонгда уйдан қочиб чиқади ва онаси ишлаган текстиль фабрикасига боради. У ерда ўзбекистонлик аёллар қизга уй-жой бериб, ёрдам қўлини чўзишади.

Туркиядаги ватандошлар Дилдорага ёрдам бериб ва у юртимизга қайтиб келди. Хозирги вақтда Дилдора давлат ташкилотлари кўмағида ўқишини давом эттириш арафасида.

Туркия Ўзбекистонликлар ишлаш учун борадиган асосий давлатлардан бири ҳисобланади. Туркия Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги маълумотларига кўра, бу мамлакатда расман рухсат олиб ишлаган туркдошларимиз сони йилдан-йилга ортмоқда. Вазирлик 2017 йилда 2465 нафар Ўзбекистон фуқаросига ишлаш рухсатномаси берган бўлса, 2018 йилда 3969 нафар ва 2019 йилда 4480 нафар туркдошимиз шундай рухсатнома олган. 2020 йилда эса (коронавирус пандемиясига қарамай) 4383 нафар ўзбекистонлик Туркияда ишлаш рухсатномасига эга бўлди.

Бугун мазкур давлатда қонуний, ноқонуний тарзда фаолият олиб бораётган хотин-қизларимиз талайгина. Ўзбек аёлларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Истанбул шаҳридаги Бош консулхонаси ва Озода Исломова бошчилигидаги фаол ўзбекистонликлар томонидан ташкил этилган Ўзбек аёллари ҳуқуқлари ассоциацияси томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бош консулхона ва мазкур ассоциация ўртасида ҳамкорлик меморандуми ҳам имзоланди. Эндиликда бу ташкилот ўзбек хотин-қизлари ҳуқуқларини биргаликда ҳимоя қилиш, уларнинг касбий, ҳуқуқий билимлари ва ишбилармонлик қобилиятларини ошириш, хорижий тилларни ўргатиш орқали турк ассоциациясидаги мавқеини юксалтириш мақсадида ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

- Жамиятимиз очилганига кўп бўлгани йўқ, - дейди Ўзбек аёллари ҳуқуқлари ассоциацияси раҳбари, ҳуқуқшунос Озода Исломова. - Мақсадимиз Туркиядаги ўзбекистонлик опа-сингилларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш. Ассоциациянинг молиявий масалаларини биргаликда ҳал қилишимиз. Бош консулхона билан ҳамкорлик натижасида қисқа вақт ичида бошқа фаол фуқароларимиз кўмағида 40 дан ортиқ хотин-қизга манзилли ёрдам кўрсатдик.

Хотин-қизларимизнинг алданмаслиги, ортиқча пул тўламашликлари учун Туркия университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, аёлларимизнинг олий маълумот олишлари учун амалий ишларни бошлаб юбордик.

О.Исломова 1984 йилда Бухоро вилоятида туғилган. 2007 йил Ўзбекистон миллий университетининг бакалавр, 2009 йил магистратура босқичини тугатган. Республика-мизда банк, суд тизимлари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасида турли лавозимларда фаолият юритган. Хозирги вақтда Kütahya университетига давлат бошқаруви йўналишида докторлик (PhD) ҳимояси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Кузатишларимизга кўра, одам савдоси билан шуғулланувчи кимсалар томонидан аёлларимизга Туркияга авиачипта олиб бериляпти. Афсуски, бу аёллар кимнинг олдида ва қайси манзилга бораётганлиги, нима иш билан шуғулланишини ҳам аниқ билмайди. Ўша авиачипта нима мақсадда олиб берилганидан ҳам беҳабар бўлишди. Кейин эса жуда қийин вазиятларга тушиб қолишмоқда.

Шунинг учун аёлларимизга айтмоқчимизки, ўзлари ишонганидан кишилар бўлмаса, авиачипта олиб берилишига ҳам, бошқа ваъдаларга ҳам ишонмаганлиги мақсадга мувофиқ. Шунчаки "Менга чипта олиб беришиди, бўлди, Туркияга кетаямман", дейишса, албатта, муаммоларга дуч келишади. Бир мисол айтсан. Ўзбекистонлик бир қизни бир хонадонга қамаб қўйиб, фоҳишалikka мажбурлашган. У жуда қийналган, вазиятдан чиқишга йўл кидирган, охири ўзини иккинчи қаватдан ташлаб юборган. Шўқрики, аёл омон қолди. Консулхона ёрдамида уни Ўзбекистонга қайтаришди. Аёлнинг айтишича, у аёвсиз қалтакланган, پاسпорти, телефони олиб кўйилган.

Ҳа, албатта, яхши ишлаб юрган, ўз йўлини топган, рўзгорига ёрдам бераётган, орзу-хавасига эришаётган аёллар ҳам бор. Ойлигини ололмаган, мажбурий никоҳланиб яшаётганлар, касалхонада даволаниб, пулни тўлолмаганлар, мажбурий тарзда ишлатилган бир қанча опа-сингилларимизнинг мушуқлини осон қилиб, ёрдам бераётган аёлларимиз ҳам талайгина.

Ўзбек аёллари ҳуқуқлари ассоциацияси раҳбари Озода Исломова билан суҳбатлашиш давомида шундай ватанпарвар, инсонпарвар юртдошларимиз борлигидан фахрландим.

Ҳа, бугун мамлакатимизда иш ўринлари очилмоқда. Имкониятлар кенг. Аммо хорижда ишлаган ватандошларимиз ҳам кам эмас. Мен бир ҳуқуқшунос сифатида Туркияга ишлагани бормоқчи бўлган юртдошларимизга аввало, тил ўрганишни, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш, мабодо қийин вазиятга тушиб қолса, албатта, Ўзбекистон Республикасининг Истанбул шаҳридаги Бош консулхонаси ва Ўзбек аёллари ҳуқуқлари ассоциациясига мурожаат қилишларини истардим.

Фазилат ҚўЧҚОРОВА, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети доценти.

Муштарий мулоҳазаси

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

- 15 ИЮНЬ
Абдурашид ЭРГАШЕВ - 1941 йилда Қўқонда туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.
18 ИЮНЬ
Аҳтам ҲОТАМОВ - 1949 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Физика-математика фанлари доктори.
20 ИЮНЬ
Сайфи ЖАЛИЛ - (1932-2003) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Автомобиль сигнали Европада ҳайвонлар учун ишлатилади

Яқинда "Муносабат" ток-шоусининг йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳарақати қодаларига амал қилиш мавзусига бағишланган сонини кўрдим. Унда тараққий этган мамлакатларда бўлиб қайтган бир мутахассис автомобилнинг сигнали биз йўлагандек пиёдалар учун эмаслигини айтиб қолди. Масалан, Европада йўл юзига чиқиб кетган ҳайвонларни йўлдан ҳайдаш учун сигнал чалинар

экан. Афсуски, шаҳарми, қишлоқми, фарқи йўқ, бизда ҳайдовчилар сигнални пиёдалар учун ишлатишга пайтда хали яшил чироқ ёнмасидан уларни шоширади, махсус белгиларда пиёдаларни ўтказиб юбормайди. Бундай белисандлик ҳайдовчиларнинг бир-бирига муносабатда ҳам кўринади. Светофорда сариқ чироқ ёниши билан ўзидан олдинда турган ҳайдовчини

юришга кўнда, шоқалоқлик қилиб, уни асабига тегар даражада сигнал босавериши айниқса, хунук ҳолат. Менимча, бу каби ҳолатлар шу юртда ашовчи кишиларнинг бир-бирига муносабатини, ўзаро ҳурмат-иззат қам даражада эканини кўрсатади. Ҳайдовчи ва пиёда бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлса, тушунмовчиликлар, муҳими, йўл-транспорт ҳодисалари, йўлларда ўлимлар сони бугунгидай фожиали тарзда ошиб кетмасди.

Файзулла ИСМОИЛОВ.

Шифокорлар маҳаллада

Бугун интернет макони қандай овқатланиш фойдали-ю, қайси касалликларга нималардан даво топиш мумкинлиги билан боғлиқ турли маълумотлар, видеороликларга тўлиб-тошган. Аммо ундаги тавсияларнинг ҳаммасини ҳам қўллаб бўладими, соғлом бўлиш учун биринчи навбатда нималарга эътибор қаратиш керак? Табиийки, аҳолига шифокорларнинг ўзлари, айниқса, олимларнинг бу борада тушунча беришлари самаралироқ таъсир қилади.

Шу мақсадда, қолаверса, ҳукуматнинг тегишли қарори ижросини таъминлаш учун Самарқанд давлат тиббиёт университети-нинг 61 та клиник кафедрасининг 575 нафар профессор-ўқитувчиларидан иборат 11 та ишчи гуруҳ вилоятимиз шаҳар ва туманларига ҳамда 4 та ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятига бириктирилди. 637 нафар клиник ординатор ва 338 нафар магистрлар учун университетда семинарлар ўтказилди ва улар ҳам Самарқанд вилояти туманларига бириктирилган ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчиларига амалий ёрдам бериш учун жалб этилди.

Ушбу ишчи гуруҳлар томонидан Самарқанд шаҳрининг Сиёбча, Мустақиллик, Ўзбекистон, Кўксарой, Ҳўжа Юсуф ҳамда Даҳбедий маҳал-лалари марказларида ҳамда шаҳардаги 1 ва 2-оилавий поликлиникаларида соғлом турмуш тарзи бўйича суҳбат олиб борилди, фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди. Тўшақда ётиб қолган, юра олмайдиган беморлар эса яшаш хонадонларида тиббий кўриқдан ўтказилиб, тавсиялар берилди.

Ишчи гуруҳлар Жомбой туманининг 38 та маҳалласидаги 1581 та хонадонда, Тойлоқ туманидаги 992 та хонадонда ҳамда Оқдарё туманининг 36 та маҳалласидаги 5500 га яқин

хонадонда истиқомат қилаётган аҳоли ораси-да тўғри овқатланиш асослари, касалликлар профилактикаси, жисмоний фаоллик, шахсий ва жамоат гигиенаси, кун тартибини тўғри ташкиллаштириш ва зарарли одатлардан воз кечиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бор-ди. Ишчи гуруҳ аъзолари бир вақтнинг ўзида махсус тайёрланган сўровнома асосида аҳоли берган маълумотлар асосида жойлардаги бир-ламчи тиббий-санитария муассасаларининг иш фаолиятини ҳам ўрганмоқда.

Шаҳар оилавий поликлиникаларида 2500 дан ортиқ бемор тиббий кўриқдан ўтказилди ва бир вақтнинг ўзида соғлом турмуш тарзи тарғиботи олиб борилди. Яна бир гуруҳ самарқандлик шифокорлар вилоят ихтисослаштирилган болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида юз-жағ, болалар урологияси ва жарроҳлиги йўналишлари бўйича 40 дан ортиқ мураккаб кўргазмали операцияларни ўтказди.

Л.МУҲАММАДИЕВА, Самарқанд давлат тиббиёт университети 3-педиатрия ва тиббий генетика кафедраси мудири, К.САИДУРОДОВ, СамДТУ кўп тармоқли клиникаси бош врачлари ўринбосари.

Logo for MATBUOT UYI Zarafshon Samarqandskiy Vestnik with contact information.

Publication details for MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi, including contact info for Bosh muharrir Farmon TOSHEV and subscription rates.

Contact information for Gazeta «Zarafshon» including address, phone, and website details.

Editorial board information for Navbatchi muharrir A.SHERXOLOV, Navbatchi G.MO'MINOVA, and Sahifalovchi B.ABDULLAYEV.

ISSN-201667X barcode and publication details for Zarafshon newspaper.